


ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь–июнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 102 702,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 7,0 фоизга ўсди.

Иқтисодиёт тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯИМнинг барқарор ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 105,8 фоиз, (ЯИМ таркибидаги улуши – 8,6 фоиз), саноат – 105,7 фоиз (27,5 фоиз), қурилиш – 108,7 фоиз (8,1 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 110,4 фоиз (12,0 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 106,9 фоиз (14,9 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 107,0 фоиз (28,9 фоиз) ни ташкил қилди.

Январь–июнь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади (жамига нисбатан фоизда):



2017 йилнинг январь–июнида ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 55,8 фоизни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 0,2 пунктга камдир (56,0 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари

0,9 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 14,9 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,6 пунктга ошди ва 12,0 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2016 йил январь–июндаги 28,8 фоиздан 2017 йил январь–июнда 28,9 фоизга етди.

Мулкчилик шакллари бўйича ЯИМ умумий ҳажмининг 78,8 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 21,2 фоизи – давлат секторига тўғри келди.


**2017 йил январь–июнь учун
ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот**

	ЯИМ (ЯҲМ)		Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)	
	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръатлари, %</i>	<i>минг.сўм</i>	<i>ўсиш суръатлари, %</i>
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	102 702,1	107,0	3 186,3	105,2
Қорақалпоғистон Республикаси	3 446,1	107,6	1 890,9	106,1
вилоятлар:				
Андижон	5 439,5	110,8	1 830,1	108,9
Бухоро	5 099,4	105,6	2 758,2	104,0
Жиззах	2 360,2	108,0	1 806,8	105,9
Қашқадарё	7 515,1	107,3	2 423,4	105,2
Навоий	5 522,7	103,4	5 836,7	101,7
Наманган	4 225,6	106,9	1 587,2	104,9
Самарқанд	6 644,8	107,6	1 812,9	105,7
Сурхондарё	4 244,9	104,8	1 716,0	102,7
Сирдарё	1 942,1	105,1	2 409,9	103,4
Тошкент	10 361,5	104,6	3 653,2	103,4
Фарғона	7 524,7	106,5	2 104,2	104,7
Хоразм	3 370,3	111,3	1 891,4	109,5
Тошкент ш.	18 039,0	107,4	7 410,9	105,9

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда.

Худудларда мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши натижасида, 2017 йилнинг январь–июнида ЯХМнинг юқори ўсиш суръатлари Хоразм (111,3 фоиз), Андижон (110,8 фоиз), Жиззах (108,0 фоиз) вилоятларида кузатилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларининг республика даражасига (107,0 фоиз) нисбатан паст кўрсаткичлари Навоий (103,4 фоиз), Тошкент (104,6 фоиз), Сурхондарё (104,8 фоиз) вилоятларида кузатилди.

2017 йил январь–июнда ЯИМни шакллантиришда вилоятларнинг иштироки (ЯИМ га нисбатан фоизда)



Республика бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳри 17,6 фоизли улуш билан етакчилик қилмоқда, Тошкент ва Фарғона вилоятлари мос равишда

10,1 фоиз ва 7,3 фоиз кўрсаткичи билан кейинги ўринларни эгаллашган. ЯХМнинг энг кам улуши Сирдарё (1,9 фоиз), Жиззах (2,3 фоиз) ва Хоразм (3,3 фоиз) вилоятларида кузатилди.

2017 йил январь–июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби куйидагича ифодаланади (жамига нисбатан фоизда):

